



**SOME REMARKS ON THE ATTITUDE OF UZBEK MODERN WRITERS TO FUZULI'S POEMS  
(Or “Hamrohing eding bu yo‘lda, ey moh...”)**

*Bahodir Karimov*

*Doctor of Philological Sciences, Professor  
Tashkent, Uzbekistan*

**Abstract:** The article focuses on the comments of modern writers about the great Azerbaijani poet Muhammad Fuzuli, including the works of Abdulla Qadiri, Cholpon and Vadud Mahmud. The article "Buzuli Baghdadi" written in the twenties of the 20th century by Jadid critic Wadud Mahmud is evaluated. At the same time, the article also mentions some Uzbek poets who wrote poems in the style of Fuzuli. In the conclusion, it is emphasized that modern intellectuals have a great contribution to the appreciation of the work of the great Azerbaijani poet and popularization among the Uzbek people.

**Key words:** history, literature, novel, poet, image, criticism, influence, interpretation.

**ЎЗБЕК ЖАДИД АДИБЛАРИНИНГ ФУЗУЛИЙ ИЖОДИГА  
МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР  
(ёки “Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй моҳ...”)**

*Баҳодир Каримов*

*филология фанлари доктори, профессор  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақолада жадид адибларининг улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий тўғрисидаги мулоҳазаларига, жумладан, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Вадуд Маҳмуд асарларига эътибор қаратилади. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуднинг Йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларида ёзилган “Бузулий Бағдодий” мақоласининг ўз даридаги ва бугуни қиймаига баҳо берилади. Шу билан бирга мақолада Фузулийга хос услубда шеърлар ёзган айрим ўзбек шоирларига ҳам тўхтаб ўтилади. Хулосада улуғ озарбайжон шоири ижодининг қадр топиши ва ўзбек халқи ичида оммалашувида жадид зиёлилари ўзга хос улкан ҳиссаси борлигига урғу берилади.

**Калит сўзлар:** жадид, адабиёт, роман, шоир, образ, танкид, таъсир, талқин.

**Аннотация:** Стаття посвящена отзывам современных писателей о великом азербайджанском поэте Мухаммаде Физули, в том числе произведениям Абдуллы Кадыри, Чолпона и Вадуда Махмуда. Дается оценка статье «Бузули Багдади», написанной в двадцатых годах XX века джадидским критиком Вадудом Махмудом. В то же время в статье упоминаются и некоторые узбекские поэты, написавшие стихи в стиле Физули. В заключении подчеркивается, что современная интеллигенция внесла большой вклад в признание творчества великого азербайджанского поэта и его популяризацию среди узбекского народа.

**Ключевые слова:** история, литература, роман, поэт, образ, критика, влияние, интерпретация.

Ўзбек халқи маънавияти тарихидаги энг муҳим ва доврукли адабий ходисалардан бири жамоавий бўлиб китоб ўқиш, ўқилганларини шарҳлаб муҳокама қилиш бўлса керак. Зеро бундай мутолаалар изидан навоийхонлик, бедилхонлик, фузулийхонлик, румийхонлик кенг оммалашди. Жадид зиёлиларнига келиб, бу ходиса ёзма шаклга кира бошлади. Яъни тарихда ўтган алломларнинг асарларини вақтли матбуот орқали тарғиб қилиш ва талқин этиш жараёнлари бошланди. Шу эътибордан жадид зиёлилари Алишер Навоий, Имом Ғаззолий, Абу Наср Фаробий каби алломалар қаторида Фузулийга ҳам даққат қаратишди. Ўз асарлари таркибидаги образлар-қахрамонларни Фузулий китобларига ошно тутинтиришди. Бу жиҳатдан Абдулла Қодирий романлари муҳим. Махзун бир эпизодда Отабекнинг Фузулий девонини ўқиб ўтиргани устига келган Кумуш “Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?” деган саволли гапини зукко ўқувчи эслаб қолади, албатта [1, 151-б]. Бундан ташқари Абдулла Қодирий “Меробдан чаён” романидаги Раънога ҳам “девони Фузулий маъа Лайли Мажнун”ини ўқиганлар қаторидан жой беради[1, 396-б]. Айни романнинг бошқа бир саҳифасида Фузулийнинг “Даҳр бир бозордир, ҳар ким матоъин арз эдар” мисраси келади.

Аслида Абдулла Қодирийнинг ўзи Фузулий ижодини севиб ўқиган айни ҳақиқатдир. Замондошлари хотирлашларига кўра дастлаб Абдулла Қодирий Кумуш қабрига Фузулийнинг “Ҳамроҳим эдинг бу йўлда, эй мох, Ҳамроҳни ташлаб кетарми ҳамроҳ...” мисралари битмокчи бўлади. Кейин фикри ўзгаради ва адиб:

“Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,  
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.  
Ҳаётим лолазоридин аюрдинг,  
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг”,

деган юракларни изтиробга солгувчи шеърини ёзиб қўяди[2, 16-б].

Юнус Мақсудий “Улуғлар даврасида” номли хотира китобида Чўлпоннинг: “Менимча, Фузулийга “Лайли ва Мажнун”ни ёзиш жуда оғир, айни замонда жуда завқли ҳам бўлган. Чунки Фузулий Мажнун киёфасига

кирмай, ишқ йўлида Мажнун чеккан азоб-ўқубатларни ўз бошидан кечирмай туриб, бундай шоҳ асарни ёза олмас эди. Зотан, Қодирий ҳам Отабек билан маслакдош, ҳамфикр бўлмаганида “Ўткан кунлар” бунчалик шуҳрат қозонмас эди”, деган фикрини келтиради [9, 8-б].

Дарҳақиқат, 20-йилар адабий муҳиtida жаид зиёлилари Фузулийни завқ-шавқи билан мутолаа қилганишди. Айни чоқда адабий-назарий томондан баҳо бериш жараёнлари ҳам шу жаид зиёлилари зиммасига тушди. Бу ўринда жаид мунаққиди Вадуд Маҳмуднинг “Фузулий Бағдодий” мақоласи муҳим қиймат касб этади.

Вадуд Маҳмуднинг мақоласи 1925 йили “Маориф ва ўқитувчи” журналида босилиб чиқади. Унда шоир шахсияти ва дунёқараши, асарлари, уларнинг кайси тилда битилгани ҳамда Фузулийнинг Туркистон шоирларига таъсири каби масалалар ёритилган. Муаллиф шоирнинг туғилган маскани Боғдод тевараги, оти Муҳаммад, отасининг исми Сулаймон бўлиб, олим киши бўлганидан, Боғдод “уч буюк - араб, форс ва турк тил ва адабиётининг учрашғон майдони” эканидан хабар беради [7, 38-б]. Шоир ислом маданияtidан баҳраманд бўлгани аниқдир. Хўш, шундай бир шароитда тарбия топган шоирнинг тафаккур тарзи, ижодий самаралари, тили қандай бўлиши мумкин? Фузулийнинг ўз иқрорича, унга араб тилида шеър айтиш унчалик мушкул эмас, негаки даврнинг илмий-адабий тили арабчадир. Баъзан “форсий иборалар ипига дурру маржон тақиб, ўша мевали дарахтнинг шохидаги гулларни” тиради. Аммо унинг зуваласи туркийда пишган, шунинг учун бу тилда шеърлар ёзиш шоир учун мутлақо муаммо эмас. Туркийча Фузулийнинг асл табиатига мос, она тили ҳам ўшадир.

Вадуд Маҳмуд шоирнинг туркий эканини ўз мақоласида такрор ва такрор уқтиради. Бу бекорга эмас. Бунинг сабаби бор. Айрим фактлар 20-йилларда машҳур шахсларнинг миллати юзасидан бахс-мунозаралар бўлиб ўтганини кўрсатади. Алишер Навоийни “уруғи-насли ҳам, тили ҳам ўзбекча бўлмағон, балки чиғатой ёки уйғур шоири”, “форс шоири” (А.Саъдий) деб даъво қилувчилар бўлганидек, Фузулийнинг ҳам туркий эканига шубҳа билан қаровчилар бор эди. Масалан Чўлпоннинг “Ризо Тавфиқбек” мақоласида шундай жумлаларни ўқиймиз: “Туркиянинг янги шоирларидан энг кучлиси бўлғон Яҳё Камолбек билан Истанбул дорилфунунининг форс (эрон) адабиёти мударриси Хусайн Донишбек орасида миллият жанжали бошланиб кетгандан сўнг, Эрон миллатчилари бўлган Хусайн Дониш тарафидан Ризо Тавфиқ ҳам турк миллатчилари бўлган Яҳё Камолга қарши чиқди. Даъвосини исбот қилиш учун, бу муқтадир файласуф машҳур Фузулийни турк эмас, эронли (форс) қилиб чиқди.

Фузулийнинг асарларини Эроннинг машҳур бир шоиридан олғонлигини даъво қилди. Мана шу кундан бошлаб Ризо Тавфиқнинг шуҳратда, ҳурматда пастлашиши бошланди” [4, 28-б].

Кўчирмадаги мавзуга тегишли гап аниқ Тахминимизча, В.Маҳмуд мақоласида шоирнинг миллати туркийлигига қайта-қайта урғу беришидан, турли хужжатлар келтиришидан мақсад - аввало илмий-адабий

жамоатчиликдаги ана шунга ўхшаш баҳс ва чалкашликларга барҳам бериш ҳам эди...

“Маориф ва ўқитувчи” журналига қиёсан озарбайжон тилида чиқадиган “Маориф ва маданият” журналини варақлаган киши уларнинг мундарижаси, ўша даврда ёритилган ижтимоий, маданий, маориф ва театр, тарих ва адабиёт мавзуларида яқинлик борлигини билиб олади. “Маориф ва маданият” мажалласининг 1926 йил биринчи сониди “Фузулий ва тасаввуф” сарлавхали мақола бор. Муаллифи - Али Хусайнзода.

Юқорида эслатилганидек, у шундай сатрларни ёзади: “Фузулийнинг мутасаввуфона бир руҳа молик ўлдиғини кимсалар рад эдюрларса-да, бизча, бу дугри дагил (эмас - Б.К)дир. Унинг баҳс этдиги “шароб”нинг оддий шароб ўлмасини-да иддао эданлар вордир.

Пак муҳтарам севгмили профессор Бакир Чубанзода Фузулийдан баҳс эдар экан: “Фузулий сўфий, мистик дагилдир, фақат сўфийлар киби у-да “шароб”дан, “ишқ”дан баҳс эдар. Локин унинг баҳс этдиги шароб узумдан ёпилмиш қирмизи шароб “майи лаъл”дир”, дея Фузулийдаки тасаввуфий руҳинг ҳокимиятини рад эдюр. Ва сўзини қувватландирмак учун “Банг ва Бода”дан:

“Тарафа” оди замона машҳур,  
Лақаби “бода” асли ангур,  
ва бир-да “Банг ва Бода”нинг сўнгги:  
“Чун Фузулий баним лақабим  
Ажаб эрмас гар ўлмаса адабим”

бандина ишора эдарак “Кандисининг баҳси ҳаром, шаръи ва шариат одобина зид, муҳолиф шайъларидан баҳс эдигини тасдиқида бўлунур” жумласини илова эдюр.

Бизча, бу байт-ла, ялғиз бу факт ила ҳеч бир замон юқоридаки фикрлар исбот ўлинмамиш ўлур” [5, 15-б].

“Банг ва Бода” асарининг тасаввуфона руҳи устида баҳс очган Али Хусайнзода Бакир Чубанзоданинг асарни рамзий истилоҳлардан узиб, дунёвий таҳлил этишни сингдира олмайди, “пак муҳтарам севгили” профессорнинг қарашларини инкор этишга уринади. Шоирни шакллантирган ижтимоий муҳит ҳамда асарларидан олинган жиддий фактларни келтиради. “Фузулийнинг яшадиғи муҳити тасаввуфинг ёйилмасина ва бўямасина сабаб ўлан муҳит дагил-да надир?” Хуллас, Фузулий асарларининг фалсафий асосида маълум даражада тасаввуф таълимоти ётиши аниқ. Ҳатто, нафақат “Банг ва Бода”, балки баҳслашувчининг фикрича, форс тилида ёзилган “Ҳафт жом” асари ҳам Фузулийнинг “даҳо ойдин ва қутли тасаввуфий руҳа молик ўлан” асарлари сирасига киради.

Али Хусайнзодадан сал илгари Вадуд Маҳмуд Фузулий ижодидаги сўфиёна руҳни “исломий тасаввуф” сифатида изоҳлади. Исломий тасаввуф - бу Аллоҳ ҳукмлари ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига мувофиқ ҳаёт тарзи демакдир. Шунга кўра айни тушунча шариатга тўла мос келади; бу йўлдаги инсон ислом дини ҳукмларини ихлос билан самимий бажаради...

Бу улуғ шоир дин ва тасаввуфдан бошқа ҳикмат ва тиб сингари илмлардан ҳам воқиф бўлган. Айрим асарларини шу йўсинда ёзган, “Форсийда ҳам бир девон, бир неча қасида ва маснавияти бордир. Фақат булар туркчаси қадар самимий, санъаткорона ва гўзал эмасдир...

Фузулий турк шеърида форсийдаги Ҳофиз қадар (лирик) рубобийдир. Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир” [6, 43-б].

Назмий тафаккурнинг сўлим гулшанидан таралган мисраларнинг мусиқий оҳанги нозиктаб инсонни ўзига мафтун этади. Муҳаммад Фузулий ўзидан олдинги сўз гавҳари заргарларининг санъатига ҳавас қилди, дилгир бўлди. Айниқса, В.Маҳмуд таъкидлаганидек, Алишер Навоий асрида шарқ туркчасидан-чиғатойчадан ғарб турклари қаттиқ таъсирланди.

Кузатишимизча, В.Маҳмуд адабий меросга дахлдор мақолаларида “ўзбекча”, “туркча”, “озарбайжонча” тил ва адабиёт истилоҳларини қўлламайди. Авлод-аждодлари бир, ўтмиши бир-бири билан боғланиб-чатишиб кетган халқнинг икки хил шевасини икки хил атама – “ғарб туркчаси” ва “шарқ туркчаси” деб номлайди. “Ҳозирда жорий атамалар оммага анча сингиб кетган бўлса-да, ўша 20-йилларда истеъмомда бўлган илмий атамаларни муомалага олиб кирмасдани туриб, туркий тиллар тарихини, туркийларнинг маданий ва фикрий тадрижини батафсил ёритиш мумкин эмас” [8, 3-б].

Ҳа, бадий асарларнинг услуби, тили, оҳанги масаласида ҳам аҳвол шундай. Бир чинорнинг икки қатта шохлари ҳар вақт таъсир ва акс таъсир доирасида бўлди. Айтиб ўтганимиздек, Алишер Навоий замонасида шарқ туркчаси ғарб туркчасига сезиларлик таъсир қилди. “Фақат Фузулийдан сўнг, - деб ёзади Вадуд Маҳмуд “Фузулий Бағдодий” мақоласида, - ғарб туркчаси шарқ туркчасига таъсирини кучайтирди ва бу кун усмонли лаҳжасининг такомили билан таъсир яна кучайди”.

В.Маҳмуд мақоласининг “Фузулийнинг Туркистонга таъсири” бўлимида озарбайжон шоирининг гўзал шеърларидан баҳраманд бўлган туркистонлик ижод аҳлининг номларини санайди, шеърларидан мисоллар келтиради. Фузулийнинг чиғатойчилар орасида тарқалиши билан унинг лаҳжасида шеър айтувчилар майдонга чиққани аниқ, улардан баъзилари махсус девонлар тузишган, Умархон, Хотиф сингари шоирлар Фузулий ғазалларига мухаммаслар боғлади...

Вадуд Маҳмудга ўзига замондош бўлган Ажзийнинг фузулийхонлиги ҳақида “Турк шоири Ажзий” мақоласида: “Ажзий шевада Фузулий йўлини тутган шоирлардандур. Бу шоиримиз ҳам ошиқдур, маъшуқаси халқдур, миллатдур. Миллат ва халқига муҳаббати унинг ишқидур” деб қайд қилади [7, 38-б].

Мунаққиднинг “Фузулий тилининг бу кунгиси, яъни усмонлича ила шоиримиз Чўлпон ҳам баъзи чиройлик парчалар ёзадир”, деган фикри ҳам ўз асосига эга.

“Илк аввал гўзим ишқ ила очдим,  
Ишқинг майдонина қоними сочдим.  
Ишқсиз ўлкалардан у онда қочдим,



На замон боғладим зуннори ишқ...”

Мунаққид ўлпоннинг шундай бошланган шеърини мисол қилиб келтиради.

Маърифат аҳли, шеърият шайдолари Чўлпон ижодида бундай онда-сонда учрайдиган ғарб туркчаси таъсирида битилган айрим жўшқин мисраларни зукколик билан илғаб олади, албатта.

Оловнинг иссиқ тафти совуқ кунда, ойнинг ёруғ нури қоронғу тунда билинади. Шунга мувофиқ ҳар бир воқеа-ҳодиса муайян тарихий шароит билан изоҳланиши эътиборга олинса, Вадуд Маҳмуднинг қардош халқлар адабиётига мурожаати, хусусан, “Фузулий Бағдодий” мақоласи ўқувчиларни Фузулий ҳаёти ва ижоди билан таништирувчи, оммага унинг асарларидан намуналар етказувчи ва озарбайжон мумтоз шоири услубида шеърлар ёзган туркистонлик шоирлар тўғрисида маълумот берувчи дастлабки манбалардан бири сифатида ўз даври, айни дамда бугунги кун учун ҳам қиймат касб этади, албатта.

Мақола бошида эсланган Юнус Мақсудий китобида Чўлпоннинг Фузулийга тегишли мақоласи хусусида бир оғиз гап бор. “Дарвоқе , Чўлпон Фузулий шеъриятининг чин ошиқларидан эди. Унинг халқ орасида Навоий каби машхурлигини эътироф этиб, “Фузулий пичинглари” деган бир мақоласида ўзининг фикрларини билдиради” [9, 83-б]. Юнус ота Чўлпон мақоласидан кичи кўчирма ҳам беради. Аммо тахмин қилиб 1938 йилда нашр бўлганини айтади. Мақоланинг тўлиқ матни яқинда топилди. Чўлпоннинг “Фузулий пичинглари” мақоласини Искандар Мағзодиев “Тулистон” журналининг 1935 йил 10-сонидан қайта нашрга тайёрлаб, “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилди. Мақсудий кўчирмаси билан И.Мағзодиев нашрга тайёрлаган матнда айрим сўзлар фарқланади (*ёниқлиги-яқинлиги, гузар чоҳида - гузаргоҳида*). Мақолага чўлпоншунос Д.Қуронов “Чўлпон Фузулий ҳақида” деган махсус ўнгсўз ёзди ва уни етарлича таҳлил этиб, мақолага “...Чўлпоннинг улуғ озарбайжон шоири билан маънавий алоқалари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади” деб баҳо берди [3, 107-113-бет].

Хуллас, ўзбек жаҳид зиёлилари муҳитида Фузулий асарлари ўқилди, шу билан бирга “Фузулий Бағдодий”, “Фузулий пичинглари” каби мақолаларда махсус адабий-назарий таҳлиллар қилинди. Шу зайдда жаҳид зиёлилари улуғ озарбайжон шоири ижодининг қадр топиши ва ўзбек халқи ичида оммалашувида ўзга хос улкан ҳиссасини кўшдилар.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1994 йил, 151-бет.
2. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент. 1986 йил, 16-бет.
3. Абдулҳамид Чўлпон. Фузулийнинг пичинглари // Шарқ юлдузи. 2023 йил, 1-сон.
4. Абдулҳамид Чўлпон. Ризо Тавфиқбек. “Фарғона” газетаси, 1924 йил, 19 март.

5. Али Ҳусайнзода. Фузулий ва тасаввуф. “Маориф ва маданият”, 1926 йил, 1-сон.
6. Вадуд Маҳмуд. Фузулий Бағдодий. “Маориф ва ўқитувчи” журнали, 1925 йил, 4-сон.
7. Вадуд Маҳмуд. Турк шоири Ажзий. “Инқилоб” журнали, 1924 йил, 11-12-сонлар.
8. Эртуғрул Ямон. Бир чинорнинг шохлари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1993 йил, 12-июнь.
9. Юнус Мақсудий. Улуғлар даврасида. Тошкент. “Фан” нашриёти 1994 йил, 8-бет.